

## ВИРТУАЛ МУЛОҚОТНИНГ СТРИМ ЖАНРИ ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Валиев Элёржон Илхомжон ўғли**  
*Қўқон Давлат Университети тадқиқотчиси*

**Аннотация.** *Ҳозирги даврда интернет тармогидаги стримлар (stream) замонавий виртуал мулоқотнинг янги жанри сифатида шаклланиб бормоқда<sup>1</sup>. Twitch, YouTube, Live, Instagram Live, TikTok Live ва бошқа платформалардаги жонли эфирлар нафақат кўнгилочар, балки ижтимоий, таълимий, сиёсий ва шахсий нутқнинг янги кўринишларини намоён қилади.*

**Калит сўзлар:** *аудио, видео, ёзма чат, эмодзи, муаллиф нутқи, жонли иштирокчилар нутқи, шарҳ қолдирувчилар нутқи, обуначилар нутқи.*

Стрим икки ёки кўп томонлама жонли мулоқот шакли бўлиб, томошабинлар томонидан фикр билдирилади, шу билан бирга, жавоб реакцияси ҳам мавжуд. Бу жараёнда нутқ тўғридан-тўғри, режасиз ва реал вақтда амалга ошади. Стрим жанрида аудио, видео, ёзма чат, эмодзи, стикерлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиб, янги сўзлар, сленг, интернет лексика, қисқа ва экспрессив гаплардан фойдаланилади. Ёшлар сўз бойлигида сленг, англицизмлар кўп қўллайдилар. Стрим жанрида жавоб берувчи нутқида миллий тил унсурлари, шева, маданий ишоралар (муסיқа, таом, либос, урф-одат) кенг қўлланилади. Масалан,

*YouTube: 213 дона билет колди, жентра, кобалт, билет тугаса финал<sup>2</sup> деб номланган ёзма савол-оғзаки жавоб тарзида бўлиб ўтган жонли эфирда стример ва клиентлар ўртасидаги суҳбат мазмунан саломлашув, ўйин ҳақида маълумот, финал бўлишини таъкидлаш, ўйинга билет сотишни реклама қилиш, ўйин турларига қараб нархни эълон қилиш, лайк босиб қўйишни таклиф қилиш, ҳар бир клиентга алоҳида мурожаат қилиш, миждозлар билан савол-жавоб, клиентларга миннатдорчилик билдириш, вақт чегараланганлиги ва саволлар тугаганлиги боис эфирни тугатишини маълум қилиш билан якунланади.*

<sup>1</sup> Что такое стрим: как устроены прямые эфиры в интернете//Электронный ресурс// <https://hi-tech.mail.ru/review/125497strim/?ysclid=megmar3ut1983083218#anchor175284502953636810>//Мурожаат қилинган сана: 19.07.2025; Стрим: что это такое, какие бывают площадки для стримеров//Электронный ресурс// <https://www.unisender.com/ru/glossary/strim-chto-eto-takoe-ploshchadki-dlya-strimerov/?ysclid=megmax62g6994806575#anchor-1>//мурожаат қилинган сана: 19.07.2025; СТРИМ КАК НОВЫЙ ГИПЕРМЕДИАЗЖАНР//Электронный ресурс// <https://cyberleninka.ru/article/n/strim-kak-novyy-gipermediazhanr?ysclid=megmbtw6uu477724608>//Мурожаат қилинган сана:20.07.2025; Интернет-стример//Электронный ресурс// <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%BD%D0%B5%D1%82-%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B8%D0%BC%D0%B5%D1%80>//мурожаат қилинган сана: 20.07.2025 ва бошқалар.

<sup>2</sup> <https://www.youtube.com/live/2jg52D4kzks?si=LwP3M2Sf8uKeGuQq>

“Йиқилсам, 5 000\$ Robux”<sup>3</sup> деб номланган стримда болаларга йўналтирилган компьютер ўйинини олиб бориш асосий мақсад бўлиб, ушбу стримда 3 киши жонли суҳбат аъзоси ва ушбу стримнинг обуначилари ёзма шаклдаги смс хабарлар билан иштирок этишади. Тузилишига кўра стрим полилогик нутққа оид бўлиб, оғзаки ва ёзма нутқ гибрид шаклда қўлланилган. Ушбу стримнинг ўзига хослиги шундаки, барча стрим иштирокчилари норасмий нутқий вазият вакиллари сифатида сўзлашув нутқида, тўлиқ шевада суҳбат олиб борадилар. Стримнинг кириш қисмида саломлашув, ўйинни шарҳлаш, жонли суҳбат аъзоларини таништириш, ўйинни жонли олиб бориш, хулоса қисмида эса ушбу стримнинг манзилни айтиш, обуна бўлишни эслатиш, лайк босишни таклиф қилиш, миннатдорчилик билдириш ва хайрлашишдан иборат.

Стрим жанри тузилишига кўра гиперхажмли нутқий жанрни ташкил қилади. юқорида таъкидланган нутқий актлар ушбу стримгагина хосдир. Чунки ҳар бир стрим яратувчиси ўзининг индивидуал услубига кўра стрим яратади. Шу нуқтаи-назардан стрим жанрини индивидуал виртуал нутқий жанр сифатида эътироф этиш мумкин. Стрим жанрининг структуравий тузилишида, асосан, муаллиф нутқи, жонли иштирокчилар нутқи, шарҳ қолдирувчилар нутқи, обуначилар нутқидан иборат.



Юқорида таъкидланганидек, стрим жанрида барча иштирокчилар нутқи эркин бўлиб, ўз фикрларини ифода этишда эркин мулоқотдан фойдаланадилар, шу боисдан ҳам шевага оид сўзлар жуда кўп учрайди. Шарҳ қолдирувчилар нутқи ёзма нутқ кўринишда бўлиб, ушбу шарҳларда саломлашув, эслатиш, таъкидлаш, омад тилаш, мақтов, савол, таклиф, илтимос, манзил қолдириш, жавоб талаб қилиш нутқий актлари қўлланилган. Ушбу стримда 150 та шарҳ қолдирилган. Ушбу шарҳларга муаллиф оғзаки жавоб бериши ёки умуман жавоб ёзмаслиги ҳам мумкин. Обуначилар нутқи 114 минг обуна тугмачасини босиш орқали ушбу каналга аъзо бўлганлигини англатади,

<sup>3</sup> <https://youtu.be/yYSen1FqrQc?si=ub-AsmHSdKOQORHk>

бундан ташқари стрим жанрида ушбу видеони кўрганлар ҳам мавжуд бўлиб, улар 32000 кишини ташкил қилади. Демак, стрим жанрида актив иштирокчилар ва пассив иштирокчиларни ажратиш мумкин. Актив иштирокчиларга муаллиф, жонли иштирокчиларни, пассив иштирокчиларга шарҳ қолдирувчилар, обуна бўлувчилар ва видеони кўрувчиларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, стрим жанри — замонавий виртуал мулоқотнинг интерактив, мултимодал ва социомаданий хусусиятларга эга ўзига хос тури ҳисобланади. Стримларни тадқиқ қилиш нафақат лингвистика, балки социология, психология ва медиа тадқиқотлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Что такое стрим: как устроены прямые эфиры в интернете//Электронный ресурс//<https://hi-tech.mail.ru/review/125497strim/?ysclid=megmar3ut1983083218#anchor175284502953636810>//Мурожаат қилинган сана: 19.07.2025.

2. Стрим: что это такое, какие бывают площадки для стримеров//Электронный ресурс// <https://www.unisender.com/ru/glossary/strim-cto-eto-takoe-ploshchadki-dlya-strimerov/?ysclid=megmax62g6994806575#anchor-1>//мурожаат қилинган сана: 19.07.2025.

3. СТРИМ КАК НОВЫЙ ГИПЕРМЕДИАЗЖАНР//Электронный ресурс// <https://cyberleninka.ru/article/n/strim-kak-novyy-gipermediazhanr?ysclid=megmbtw6uu477724608>// Мурожаат қилинган сана:20.07.2025.

4. Интернет-стример//Электронный ресурс// <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%BD%D0%B5%D1%82-%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B8%D0%BC%D0%B5%D1%80>//мурожаат қилинган сана: 20.07.2025.

5. <https://www.youtube.com/live/2jg52D4kzks?si=LwP3M2Sf8uKeGuQq>

6. <https://youtu.be/yYSenIFqrQc?si=ub-AsmHSdKOQORHk>